

Буюк Горькийни кўриш ва сўзларини эшитиш шарафига эришганларданман. 1935 йилнинг март ойида эди шекилли (агар янглишмасам), СССР совет Ёзувчилари союзининг пленумида Горькийнинг сўнгги сўзи бўлди. Ўзи қариган сари руҳи ва инкилобий гайрати орта борган бу улуг чол, кучли олқишлар остида минбарга чиқди. Олқишлар ният тўхтади-да, секин ва паст овоз ҳамда Нижегород лаҳжасининг баъзи бир таъсирлари билан, сўзга бошлади. Овозида қариллик таъсирлари ўзини кўрсатарди, яъни орқа қаторлардан товушини эшитиш қийинрок эди. Бу кекса овоз билан айтилган сўзларда ажойиб бир ёш жонлилик бор эди. Бу жонлилик ҳатто жуда кичкина, оддий кўзга майда каби кўринатургон нарсаларда ҳам кўринарди. Чунончи, у инкилоб душманларининг кишлоқлардаги бир игвосидан гапирди. Улар тракторга қарши ташвиқот қиларкан, трактор овозидан кўркиб баъзи бир қушларнинг қочиб кетганларини, холбуки, уларнинг кишлок ҳўжалигида зарарли ҳашорот билан қурашувчи фойдали қушлар бўлганини айтар эканлар. Улуг устоз, совет ёзувчиларини душманнинг қураш тактикасидаги шундай кичкина жиҳатларига ҳам кўз юммасликка қайирди. Бу, нотикнинг турмушни қандай яхши билганини кўрсатиб турар ва бизларни ҳам шунга ўргатиб турарди.

Мен Горькийнинг энг зўр ва тўнгич асарларидан «Она»ни таржима қилиш шарафига ҳам эришганларданман. Таржиманинг сифати тўғрисида бошқалар гапирар. Мен ўзим факат шуни айтаман: наср тилини тарашлашни мен бошлаб Горькийдан ўргандим. У, менимча ўзи ишлатадиган тилни жуда яхши кўради, уни ҳар қандай қамчиликдан озода ҳолда кўрмак истайди. «Она»нинг тили мана шундай бир тил. «Она» мен учун қатта бир мактаб бўлди. Ўзимнинг «Кеча ва кундуз» номи романимда мен ҳам бу буюк услубчининг унумли таъсирини доим сезиб турдим.

Совет ёзувчилари унинг инкилобий руҳини, пролетарча мардлигини, жаҳоншумул қаранглигини, сўнгра классик тили ва услубини, ҳатто таржима орқали бўлса ҳам доим ўзларида сезажаклар.

Қатта мактаб эгаси. — Мақола «Қизил Ўзбекистон» газетасининг М. Горький вафотига бағишланган 1936 йил 20 июнь сонида эълон қилинган.

Нижгород лахжаси — Горький тугилган Нижний Новгород худудида яшовчиларга хос шева хусусиятлари, айникса, «о» га ургу берилиши назарда тутилмоқда.

«Она»ни таржима килиш шарафига ҳам эришганларданман...» — Горькийнинг «Она» романи Чўлпон таржимасида 1936 йилда Ўзбекистон Давлат нашриёти томонидан нашр килинган.